



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2016 йил 1 апрель кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишнини давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидланганидек, Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгиланган вазифаларни ва Марказий банкнинг аввалги ҳисоботлари яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилди.

Ҳисобот йилида банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга, ликвидлигини мустаҳкамлашга доир чоралар кўрилиши ва депозит базаси оширилиши натижасида юксак рейтинг кўрсаткичларига ва иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳажми ошишига эришилгани сенаторлар томонидан қайд этилди. Банк тизимида эришилган кўрсаткичлар умумэтироф этилган халқаро нормаларга мос бўлибгина қолмай, балки айрим йўналишлар бўйича уларнинг баъзиларидан ортиқ ҳамдир.

2015 йилда банк тизимининг янада мустаҳкамлаши, банклар капиталлашув даражасининг ошиши ва инвестиция фаолиятининг кенгайтириши таъминланди. Банк тизимининг умумий капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоизга ошди ва 7,8 триллион сўмни ташкил этди. Охириги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баравар ўсди. Мамлакат банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этди, бу эса Базель қўмитаси томонидан белгиланган умумэтироф этилган халқаро стандартларнинг энг кам даражасидан 3 баравар ортиқдир, банк тизимининг ликвидлиги энг юқори индикатор баҳоладан 2 баравар юқори бўлди.

Ҳисобот йилида банкларнинг жами активлари 25,1 фоизга кўпайди ва 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 65,2 триллион сўмни ташкил этди.

Пул-кредит сиёсати 2015

йилда истеъмол нархлари индекси бўйича мўлжалланган инфляция даражасини таъминлашга кўмаклашди. 2014 йилга нисбатан инфляция даражаси (6,1%) 0,5 фоизга пасайди ва 5,6 фоизни ташкил этди.

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 27,3 фоизга ошди. Ички маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфелининг умумий суммасида 86,7 фоизни ташкил этди, шундан 79,8 фоиз инвестиция мақсадларига ажратилган узоқ муддатли кредитлардир.

Банклар инвестиция кредитлари ҳажмларининг кенгайтирилиши иқтисодий тармоқларини модернизациялаш учун ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этди. 2015 йилда тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларга 10,2 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2014 йилга нисбатан 20 фоизга кўп демакдир.

Иқтисодийнинг техник ва технологик янгиланишини қўллаб-қувватлаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзлаштириш орқали банк тизимининг инвестиция сиёсатини кучайтириш натижасида молиявий-иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Улар ўз бизнесини яратилари ва эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини амалиётда қўллашлари учун уларга қарийб 280 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2014 йилдагидан 1,3 баравар кўпдир.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Хусанова** Фатима Усмановна Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси **Н.Йўлдошев**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Хайитов** Олим Буриевич Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси **Н.Йўлдошев**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:
Астанов Мумин Каримович
Солиев Сарвар Ғайратжонович.
2. **Джураев** Ойбек Абдуқадрович Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси **Н.Йўлдошев**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари
иштирокини янада кучайтириш долзарб вазифа

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган йўналишларга, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда электротатлик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва барча даражадаги депутатлик бирлашмалари иштирокини янада кучайтириш масалаларига қаратилди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, ҳудудий ташкилотлар етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВ Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида партия ташкилотлари иштирокини таъминлаш, шунингдек, депутатлик бирлашмаларининг электротатлик манфаатларига жавоб берувчи дастурий мақсадларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан маъруза қилди.

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши оила, оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, — деди **партия раҳбари**. — Бу аҳоли, айниқса, давлат ва жамият томонидан алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд фуқаролар, партиямиз электротати вакилларининг турмуш даражаси юксалишида муҳим ўрин тутади.

Дастур доирасида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштирокини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки партия Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давоми 2-бетда.

БОЛАЛАР СПОРТИ



Мамлакатимизда соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи нафақат оналарнинг, балки бутун жамиятнинг бош мақсадига айланди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги ййғилишида Президентимиз спорт — бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак эканини, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлишини яна бир қарра таъкидлади.

Тахририятимиз ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни» мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди шу ҳақда фикр юритилди. Тадбирни «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов олиб борди.

Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари иштирокини
янада кучайтириш долзарб вазифа

Партия гуруҳлари ва депутатлик бирлашмалари олис ва чекка туманларда яшайдиган аҳоли, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштиришда фаол иштирок этиши лозим. Харажат дастури асосида 2016 йилда мазкур йўналишда 200 га яқин масалани партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва сессияларда муҳокама қилиш белгиланган.

Қабул қилинган Давлат дастурида, аввало, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида шаклланди ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласи қўйилган. Бунда янги тахирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, Жиноят кодекси, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши, шунингдек, уларда партиямиз электротиш манфаатларининг ифода этилишига эришиши лозим.

Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, Харажат дастурининг 30-бандига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларнинг ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари билан ташкилотларнинг узвий ҳамкорлигини кучайтириш, мутахассис ва экспертларни жалб этиш, энг муҳими, муҳокама қилинган масалалар буйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш талаб этилади.

Президентимизнинг Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги қамдан-кам давлатлар қаторида барқарор суруятлар билан ривожланиб бораётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, тарихий воқеа экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суруятлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган — аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароит яратди.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари барча йўналишлардаги ишхоналарда фаол иштирок этиши, шу орқали дастурий мақсадларимизни амалга ошириш ва электроташ манфаатларини таъминлашга ҳисса қўлиши лозим.

Бирок тан олиш керак, ўтган йили 2015-2019 йилларга мўлжалланган Харажат дастури ижросини таъминлашда айрим минтақавий

Кенгашлардаги партия гуруҳлари сусткашлик ва камчиликларга йўл қўйди. Улар ўз ваколатларидан самарали фойдалана олишмади. Натижада, электроташ манфаатларига дахлдор айрим масалаларга ечим топилмади.

Эндиги вазифа — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари йиғилишлари, доимий комиссиялар ва сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш, бунда партия Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими ҳар ой яқини буйича Харажат дастурийнинг бажарилишини таҳлилий ўрганган ҳолда тегишли тавсиялар бериб бориши керак.

Шунингдек, Давлат дастури ижроси борасида амалга ошириладиган ишларда партиянинг ўрни ва роли ҳусусида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим.

Шу боис, Марказий Кенгашнинг Мафкура ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўлими ва партиянинг куйи бўғинлари «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унинг партиямиз электроташ турмуш даражасини яхшилашдаги аҳамиятини очиб берувчи тадбирларни режа асосида, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда, юқори даражада ташкил этиб бориши талаб этилади.

АМАЛИЙ ИШЛАР НАТИЖАСИ

фарзандларимиз камолотида
намоён бўлади

Ғулумжон САПАЕВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши
раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда миллат бироқондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ишхоналар бир-бирини тўлдириб, узвий тизимга айланди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бугун Давлат дастури доирасида бундан йиллар илгари Хоразм вилояти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, замонавий скрининг марказлари, Республика иқтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик марказининг минтақавий филиалларида оналар ва болаларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Шуни айтиш керакки, партиямизнинг Сайловолди дастурида аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кучайтириш ва унинг сифатини ошириш, аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай

ва тез фойдаланиш имконини берувчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қўриш кўзда тутилган. Демак, Давлат дастурида белгиланган вазифалар партиямиз мақсадлари билан уйғун бўлиб, уларнинг тўлақонли амалга оширилиши бевосита электроташмиз манфаатларига хизмат қилади.

Бу борада партиямиз ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳудудий бўлимлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари: турли акциялар, мақсадли лойиҳаларни тизимли асосда амалга ошириш лозим.

ИЖТМОЙ ИСЛОХОТЛАРДА депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этиши лозим

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилган қатор қонун лойиҳаларида фракциямиз томонидан партиянинг дастурий мақсадлари ва электроташ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда асосли таклифлар тақдим этилмоқда.

Бирок халқ фойдаланилмаётган имкониятлар оз эмас. Аввало, фракциямиз аъзолари яқинда сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларига муқобил таклифлар киритишнинг процессуал механизмларидан кенг фойдаланиш, парламентдаги фракциялараро баҳс-мунозараларда фаол иштирок этиши зарур.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимизда ижро ҳокимияти фаолияти, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни ташкил этишда депутатларнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини изчил олиб боришга қатъиян эътибор қаратиши.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Харажат дастурига кўра, ўтган йили 189 масала партия гуруҳлари, 127 масала доимий комиссиялар ва 87 масала сессияларда муҳокама қилинганини қайд этиш лозим.

Айтиш керакки, Харажат дастурида 2016 йилда қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик, таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда коммунал соҳа, йўл, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида ҳам қатор вазифалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Харажат дастурига кўра, ўтган йили 189 масала партия гуруҳлари, 127 масала доимий комиссиялар ва 87 масала сессияларда муҳокама этилди.

Бу ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, аввало, ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини самарали ҳимоялаш, пиравардида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ишхоналарда партиямизнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ

турмуш фаровонлигининг муҳим
омили

Диёр МУРОДОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши
раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда ҳар йили парламент томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам замин яратилган. 2016 йилда юртимизда 990 мингга яқин иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг долзарблиги ҳам ортиб боради. Бу вазифани ҳал этишда янги иш ўринлари ташкил қилиш ва қишлоқ барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун янгида иш бошлаётганларга бонглангич сармояни шакллантириш, айланма маблағни тўлдирish учун имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда. Бу ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган электроташмиз вакиллари ни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур йўналишда тижорат банклари билан ҳамкорликдаги ишларимизни янгилаш ёндашув асосида изчил давом эттиришимиз лозим.

Айнан мазкур жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Аҳоли мурожаатларини ўрганиш асосида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва хунарманчиликни изчил ривожлантириш, шунинг ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этилишига эришиш зарур.

Бугун биз келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб олар эканмиз, аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ишхоналарни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Натижада ҳар бир фуқаро қалбидан ўз билими, иқтидори ва салоҳиятига таяниб, Ватан равақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш мақсади, туйғуси оқсалади.

Пленум кун тартибидagi ҳар бир масала танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан атрофлича қўриб чиқилди. Худудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди, бу ҳақда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Банк хизматлари турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, миқозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми охириги беш йилда 3,5 баравар ошди, шу жумладан, 2015 йилнинг ўзидан 1,3 баравар ошди.

Банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган ишончнинг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши аҳолининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг қафолати бўлиб хизмат қилди.

Натижада 2015 йилда банк тизимида амалга оширилган ишхоналар иқтисодиётнинг юқори суруятларда барқарор ўсишини таъминлашнинг ва аҳоли фаровонлигини ошириб боришнинг асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат банк тизимида эришилган ишхоналар халқаро рейтинг агентликлари берган баҳоларда ўз аксини топди. Охириги олти йил мобайнида «Мудис» рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимида «барқарор» рейтингини бериб келмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун ишчанлик муҳитини яхшилаш соҳасида охириги йилда энг яхши натижага эришган жаҳон мамлакатларининг биринчи ўнгаллигига қиради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» ва «кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш» каби мезонлар бўйича Ўзбекистон охириги ўн йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиди, ўтган йилнинг ўзидангина ўз рейтингини 63 ўринга яхшилаб олди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистон Республикасини Марказий банки томонидан барқарор пул-кредит сиёсатини олиб бориш давом эттирилди, банк тизими капиталини ошириш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари миқдорини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисоби ва кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажминини ошириш чоралари қўрилмоқда, шунингдек, банк назорати тизимига Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тақдир ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини ўзққ муқдатли депозитларга жалб қилиш ҳисобида банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиция фаолиятини юксалтириш, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида назарда тутилётган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар ва бошқа молия муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш самардорлигини ошириш тавсия этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини аштитдилар.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати самардорлигини оширишда, экология тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таъкидланди. Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги ҳисоботи яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг қарорини ижро этишга доир тадбирлар амалга оширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни ижро этиш мақсадида Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ташаббусига кўра жамоат экологик назоратини амалга ошириш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар қўрилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги самардорлигини оширишга, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтиришга қўмққашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан ижро этилишини ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиятининг самардорлигини батафсил муҳокама қилдилар.

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари билан ҳамкорликда табиати муҳофазаси қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб борилди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни тиклаш юзасидан 2015 йилда 14 та минтақавий дастур тақлиф этилди ва ҳуқуқат томонидан маъқулланди.

2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қарарлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни: рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергиянинг қайта тикловчи манбаларини жорий этиш, экологик тоза товарлар ишлаб чиқариш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан табиий муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, чиқиндиларни бошқариш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини, экологик туризмни, қайта тикланадиган энергетикани ва бошқа муҳим йўналишларни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан 2015 йилда олиб борилган аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижада табиати муҳофазаси қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, давлат экологик назорати қўйилди, табиати муҳофазаси қилиш бўйича қарарлар қабул қилинди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг самардорлигини — ҳам давлат экологик назоратининг, ҳам жамият экологик назоратининг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар қўриш юзасидан тақлиф ва тавсияларни билдирдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Конституций суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчисини таъинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни қўриб чиқдилар.

Барча қўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси чоғида 14 та масала, шу жумладан, демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Асосий қомусимиз қондаларини амалда рўёбга чиқаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари учун ишчанлик муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун қўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Банк хизматлари турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, миқозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми охириги беш йилда 3,5 баравар ошди, шу жумладан, 2015 йилнинг ўзидан 1,3 баравар ошди.

Банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган ишончнинг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши аҳолининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг қафолати бўлиб хизмат қилди.

Натижада 2015 йилда банк тизимида амалга оширилган ишхоналар иқтисодиётнинг юқори суруятларда барқарор ўсишини таъминлашнинг ва аҳоли фаровонлигини ошириб боришнинг асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат банк тизимида эришилган ишхоналар халқаро рейтинг агентликлари берган баҳоларда ўз аксини топди. Охириги олти йил мобайнида «Мудис» рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимида «барқарор» рейтингини бериб келмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун ишчанлик муҳитини яхшилаш соҳасида охириги йилда энг яхши натижага эришган жаҳон мамлакатларининг биринчи ўнгаллигига қиради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» ва «кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш» каби мезонлар бўйича Ўзбекистон охириги ўн йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиди, ўтган йилнинг ўзидангина ўз рейтингини 63 ўринга яхшилаб олди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистон Республикасини Марказий банки томонидан барқарор пул-кредит сиёсатини олиб бориш давом эттирилди, банк тизими капиталини ошириш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари миқдорини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисоби ва кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажминини ошириш чоралари қўрилмоқда, шунингдек, банк назорати тизимига Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тақдир ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини ўзққ муқдатли депозитларга жалб қилиш ҳисобида банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиция фаолиятини юксалтириш, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида назарда тутилётган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар ва бошқа молия муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш самардорлигини ошириш тавсия этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини аштитдилар.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати самардорлигини оширишда, экология тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таъкидланди. Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги ҳисоботи яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг қарорини ижро этишга доир тадбирлар амалга оширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни ижро этиш мақсадида Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ташаббусига кўра жамоат экологик назоратини амалга ошириш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар қўрилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги самардорлигини оширишга, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтиришга қўмққашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан ижро этилишини ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиятининг самардорлигини батафсил муҳокама қилдилар.

БОЛАЛАР
СПОРТИ

■ Спорт машғулотларига қиз болалар ҳафтасига 5-12 соат,
ўғил болалар 3-15 соат вақт ажратиши керак.

СПОРТ — БУ СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



Акмал БОБОНОВ,
Ўзбекистон Болалар
спортини ривожлантириш
жамғармасининг ижро
этувчи директори
ўринбосари:

— 2003-2015 йиллар давомида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2205 объект қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шулардан 1922 тасини спорт иншоотлари, 283 тасини болалар муҳика ва санъат мактаблари ҳамда 96 тасини сузиш ҳавзалари ташкил қилди. 2005 йилда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, қишлоқ жойларида эса 29 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар 57,2 ва 56 фоизни ташкил этди.

Этибор беринг: шаҳар ва қишлоқ болалари ўртасидаги фарқ жуда кам. Бу мамлакатимизнинг барча туманларида, энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этилганининг самарасидир.

Бутунги кунда Тошкентнинг марказида қад ростлаган спорт мактаби билан олис Хоразм ёки Сурхондарё вилояти қишлоқларида барпо этилган спорт мажмуаси ўртасида деярли фарқ қолмади.

Мажмуа спорт иншоотлари 120 номдаги спорт жихозлари билан таъминланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг 119 тури маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. 2003 йилда бу кўрсаткич 73 тани ташкил этарди. Ҳозирги кунда юртимизда 123 корхонада спорт анжомлари ва ускуналари тайёрланмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида спорт билан шуғулланган кизлар сафи тобора кенгайиб бораётти. Бу кўрсаткич 2005 йилда 24 фоизни, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган бўлса, бутунги кунда кизларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилнинг 20-25 декабрь кунлари спортчи кизларимиздан 131 322 нафарига Президент совғалари — спорт кийимлари тарқатилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида бу ишларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Бутунги кунда мамлакатимизда болалар спортини инфратузилмаси яратилди. Эндиги вазифа — мана шу имкониятлардан унумли фойдаланишдан иборат. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар спорт заллари ва майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Жамғарма ташаббуси билан ҳомийлар ҳамкорлигида юртимизнинг ҳар бир маҳалласида табиий ва сунъий қопламали футбол майдонлари бунёд қилиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 19 спорт объекти, 11 сузиш ҳавзаси, 217 умумтаълим мактабидея спорт зали, шунингдек, 18 муҳика ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Шоакром ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия
институтини ректори:

— Болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларнинг муваффақияти юқори малакали ўқитувчи ва мураббий кадрларга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўтган йиллар давомида болалар спорт объектларини мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозлари билан таъминлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

Авалло, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бутунги кунда ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунда, айниқса, Президентимизнинг қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш тўғрисидаги қарори умумтаълим ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги хотин-қиз ўқитувчи-мураббийлар

иш унумини оширганилини алоҳида таъкидлаш ни истардим.

Бунинг тасдиғини 2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганида, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошганида кўриш мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг бакалавр йўналишида 4155 талаба тахсил олаётган бўлса, шундан 1515 нафарини кизлар ташкил этади. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Президентимиз қарори билан Хотин-қизлар спортини ривожлантириш таълим йўналиши очилган. Ҳозиргача мазкур йўналиш бўйича 1700 нафар мутахассис таълим олди ва айни пайтда улар жойларда кизларга сабоқ беришяпти. Амалдаги ўқув йилида эса институтимизни яна 317 нафар талаба-қиз битириб чиқади.

— Болаларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр-муҳаббатни, аввало, оилада уйғотиш лозим. Ота-она фарзандига спорт билан шуғулланиши керак, дейишининг ўзи камлик қилади. Қачонки, уларнинг ўзи буни амалда кўрсатса, ҳеч бўлмаса муҳлислик қилса, ана шу оила фарзандлари қалбида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғонади. Бунинг ўз ҳаёти мисолида кўриб турибман.

Икки ўғлим бор. Улар болалигидан ўзлари ёқтирган спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ҳозирда катта ўғлим Темур белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони, Бобур енгил атлетика бўйича

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саломатликка таъсир кўрсатадиган омиллардан биринчи ўринда турмуш тарзи ва овқатланиш (50 фоиз), иккинчи ўринда генетика (20 фоиз), учинчи ўринда ташқи муҳит, табиий шароитлар (20 фоиз) ва охириги ўринда соғлиқни сақлаш (10 фоиз) туради. Кўриб турганимиздек, соғлом турмуш тарзи — саломатликни сақлаш ва мустақамлашда энг муҳим ва зарурий шартлардан биридир.

Ушбу ташкилотнинг экспертлари фикрига кўра, агар ҳар бир мамлакат аҳолиси, биринчи навбатда, ёшлар, соғлом турмуш тарзига амал қилса, меҳнат қобилияти ортади, узоқ умр кўради.

Мамлакат қудратини белгилайдиган асосий омиллардан бири — вояга етгаётган жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир.

Маълумки, 6-18 ёшгача бўлган даврда жисмоний ва руҳий ривожланишнинг асосий жараёнлари юз беради. Балогатга етиш даври катта ҳаётга, оила қуришга тайёргарликнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу вазибаларни муваффақиятли бажариш жисмоний, руҳий ва маънавий саломатликка боғлиқдир.

Бола саломатлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан яна бири — бу унинг уйғулланган жисмоний ва руҳий ривожланишидир. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ёш организмга ижобий таъсир кўрсатади, шу



Баҳодир МАМАТАЗАРОВ,
Ўзбекистон Болалар
спортини ривожлантириш
жамғармаси оммавий
спорт тадбирларини
ташқиладиган бўлими
бошлиғи:

— Бутун ўғил-қизларимизни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун уларга тенгқурларининг халқаро майдонларда эришаётган натижаларини ибрат қилиб кўрсатиш лозим. Мисол учун, боксчиларимиз Аббос Атоев ёки Бектемир Меликузиёевларнинг жаҳон чемпионатлари, олимпиадаларда эришган галабаларидан руҳланган қанчадан-қанча ота-она болаларини бокс тўғрисидаги етаклаб келганини эслашнинг ўзи kifоя. Фарзандини дунёда бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори Ришод Собировга ўхшашини орзу қилаётганлар кам деб ўйлашми?



Клара ШОКИРЖОНОВА,
Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия
институтини профессори:

кўп карра мамлакат чемпиони, Осиё чемпионати совриндори ва кўплаб йирик халқаро турнирлар ғолиби, Лондон олимпиадаси қатнашчиси ҳисобланади. Кичик ўғлим шу йил августда Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига йўлангани кўлга киритди.

Албатта, ҳар бир боланинг олдида сен жаҳон чемпиони бўласан, деган талабни қўйиш тўғри

эмас. Спорт тўғрисидаги қатнайдиган болаларнинг ҳаммаси профессионал спортчи бўлиб етишмаслиги мумкин. Бироқ жисмонан соғлом бўлади, теран фикрлайди, дунёқараши кенг бўлиб улғаяди. Муҳими, жисмоний тарбия ва спортга меҳр қўйган фарзандингиз зарарли иллатлардан йироқ бўлади.

Бутун ахборот технологиялари ривожланган даврда яшаймиз. Илгари

юрак-қон томир касалликларида чалиниш асосан ёши катта кишиларда кузатилади. Афсуски, бу хасталик эндиликда ёш танламаяпти. Гоҳида бир неча кун аввал сиз билан ёнма-ён ишлаётган ўттиз беш-қирқ ёшли ҳамкасбингизни беҳосдан юрак хуружига дучор бўлганлиги кулоғингизга чалиниб қолади. Бунинг бош сабаби нимада? Бу, аввало, инсонларда кам ҳаракатлилик, узоқ муддат бир жойда ўтириб ёки компьютер қаршида соатлаб ишлаш билан боғлиқ.

Мухтасар айтганда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш нафақат болалар учун, балки барчамиз учун ҳам жуда-жуда муҳимдир.

нисбатан мутлақ соғлом болалар сони 12,5 фоизга ошиб, 65,2 фоизга етди.

2015 йилда 2005 йилга нисбатан спорт билан шуғулланувчи 10-14 ёшдаги ўғил болаларнинг бўйи ўртача 2,8 сантиметрга, вазни ўртача 3,6 килограммга ошган, қиз болаларнинг бўйи ўртача 2,7 сантиметрга, вазни ўртача 4,0 килограммга ортгани аниқланди.

Ҳозир мамлакатимизда спорт тиббиёти ва ушбу соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида «Спорт тиббиёти» йўналиши бўйича магистратура очилиб, уларда жами 16 нафар магистр тайёрланмоқда. 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Андижон давлат тиббиёт институтлари бакалаврлар ҳамда магистратуранинг «Спорт тиббиёти» йўналиши очилди ва уларга 15 ўрин ажратилди.

Спорт тиббиёти мутахассисларини тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги эҳтиёжни эътиборга олган ҳолда мақсадли клиник ординатура орқали 2014-2015 ўқув йилида Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтини ҳамда Самарқанд, Бухоро, Андижон давлат тиббиёт институтларида «Спорт тиббиёти» мутахассислиги бўйича малакали врачлар тайёрланмоқда.

Қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, халқимиз, миллиатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз.



Моҳинур ҚАҲРАМОНОВА,
ЎзДЖТИ спорт
психологияси факультетини
талабаси, шохмат бўйича
Ўзбекистон чемпиони,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори:

— Беш ёшимдан бошлаб шохмат ўйнайман. Бир неча бор болалар ва ўсмирлар, ёшлар, аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга эга бўлдим. Осиё ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилганимдан фахрланаман. Айниқса, ўн тўртинчи жаҳон чемпиони, таниқли гроссмейстер Рустам Қосимжонов билан Ўзбекистон терма жамоаси таркибига Бутунжаҳон шохмат олимпиадасида юртимиз номидан қатнашганимдан қалбим ифтихорга тўлади.

Бу ютуқларим замирида, аввало, Президентимизнинг биз, ёшларга яратиб берган шарт-шароитлари ҳамда ғамхўрликлари мужассам. Қолаверса, болалигимдаёқ онам шохматта бўлган қизиқчишми тўғри аниқлаб, мени кўллаб-қувватлагани ҳаётимда муҳим роль ўйнади. Спорт туғайли бутун жамиятда ўз ўрнини топишганим, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганимдан жуда бахтиёрман.



Камола РАҲМОНОВА,
ЎзДЖТИ спорт психологияси
факультетини талабаси, спорт
гимнастикаси бўйича
мамлакат чемпиони ва
халқаро турнирлар ғолиби,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори:

— Мен туғилиб ўсган Кува туманида шаҳарлардагидан қолшимайдиган замонавий ва кўркям спорт мажмуаси бор. Онам олти ёшимдан мени ана шу спорт саройининг акробатика тўғрисидаги етаклаб борган. Аввалига болалар ва ўсмирлар ўртасида вилоят биринчиликларида муваффақиятли қатнашдим. Сўнгра мураббийим мени ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатига олиб борди. Ўн тўрт ёшимда Ўзбекистон чемпионлигини кўлга кириштириб, мамлакат терма жамоаси аъзоси бўлдим. Мана бир неча йилдирки, нуфузли халқаро турнирларда юртимиз шарафини

ҳимоя қилиб келяпман. Германия, Бельгия, Қозғистон каби мамлакатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олдим.

Ҳар сафар уйга борганимда, ўзим таълим олган мактабда интиламман. Менга таълим-тарбия берган устоз-мураббийларимдан бир умр миннатдорман. Маҳалладош дугоналарим, тенгдошларим билан учрашаман. Улар мен эришган ютуқларга ҳавас билан қарашибди. Бу қалбимда фахр туйғуларини уйғотиши билан биргаликда, мени янада кўпроқ изланишга, янги галабаларга ундайдилди.



Гўзал РАҲМОНОВА,
ЎзДЖТИ яккакураш турлари
факультетини талабаси,
миллий кураш бўйича Осиё ва
жаҳон чемпиони, Зулфия
номидаги Давлат мукофоти
совриндори:

— Мен Чироқчи туманининг чекка Халқобод қишлоғида туғилганман. Маҳалламизда кексаю ёш кураш муҳлиси. Тўйларимиз курашсиз ўтмайди. Қишлоғимиздаги болалар спорт мажмуасида асосан кураш тўғрисидаги фаолият кўрсатади. Ўн ёшимдан миллий кураш билан шуғулланиб келаман. Мени тўғраққа онам етаклаб борганлигида кўпчилик қариндошлар, қўни-қўшниларимиз «Кураш қиз боланинг иши эмас», дея гапиришгани кечатидек эсимда. Аммо мен шу спорт турини ёқтирдим. Ўшанда онам, «Қизим ҳали чемпион бўлади», дея руҳимни кўтарганди. Нафақат мамлакат чемпиони, балки 2012 йил ёшлар ўртасида Ҳиндистонда ўтган Осиё, орадан бир йил ўтиб Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Эришган ютуғим туғайли институтга имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим.

Орзуларимдан бири — келажакда ўзим каби қизларга спорт сирларини ўргатишдир. Мен чемпионликни кўлга киритгач, қишлоғимизда қизларини спорт тўғрисида олиб борадиган ота-оналар анча кўпайди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда.


**«Ўзбекистон овози» муҳбири
Эркин ХОЛБОБОВ ёзиб олди.**

2 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КИТОБИ КУНИ

Фарзандларингизга китоб совға қилинг

шунда уларни нафақат сиз, балки китоблар ҳам тарбиялайди

1967 йилда Халқаро болалар китоби кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга кўра, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида даниялик буюк эртаки Ханс Кристиан Андерсеннинг таваллуд кuni — 2 апрель Халқаро болалар китоби кuni сифатида нишонланади.



Фаррух АЛИЕВ ва ўғли оқиган китоблар.

Дарҳақиқат, китоб — бебаҳо хазина. Уни мутолаа қилиш орқали инсон ўз маънавий дунёсини бойитиши, китоб ақл ва тафаккурни ўстиради, жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ёрдам беради. Донишмандлардан бири айтганидек: «Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрок, илму дониш асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Республика болалар кутубхонасида ҳар йили Халқаро

болалар китоби кuni муҳим байрам сифатида нишонланади. Байрам муносабати билан тайёрланган дастур доирасида болалар китоби ҳафталиги ўтказилади, кутубхона болалар билан гавжм бўлади. Кичик ёшдаги болалар учун Андерсен асарлари бўйича викториналар, катта ёшдаги болалар учун эса таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, турли кўрик-танловлар ва маданий-

маърифий тадбирлар, кутубхона бўйича саёҳат, таниқли хонандалар ижросида мусикий чиқишлар, сахна кўри-нишлари ва китоб кўргазмалари ташкил этилади.

Шу кунларда юртимиздаги барча таълим ва маданият муассасаларида, кутубхоналарда болалар китоби байрами муносабати билан «Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳаси доирасида акциялар ўтказилмоқда.

Байрам тадбири ташкилотчилари томонидан болаларни маънавий ва етук шахс қилиб тарбиялашда китобнинг тутган ўрнига алоҳида урғу берилди. Болажонлар иштирокида турли-туман танловлар уюштирилиб, мактаб, лицей ва коллежларда болалар адаблари билан учрашувлар, китоб кўргазмалари ҳамда байрам дастурлари намойиш этилади.

Болаларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш мақсадида

«Энг яхши китобхона оила», «Энг билагон ўқувчи», «Китоб-севарлар» кўрик-танловлари, китобхонлик кечалари ва илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Бундай тадбирлар болаларни кўпроқ китоб ўқишга қизиқтиришда ва кутубхоналарга жалб қилишда ўз самарасини бермоқда.

Тадбирда ёш китобхонлар ўзбек ва жаҳон адабиёти хазинасидан саралаб олинган асарлар, хусусан, шеърлар,

қиссалар, эртақлар, афсона ва ривоятлар ҳамда замонавий адабий жараён билан ҳам яқиндан танишадилар. Барча мактабларнинг ахборот-ресурс марказларида ўқувчиларни кутубхоналарга кўпроқ аъзо қилиш мақсадида «Очиг эшиклар кuni» ўтказилади. Бундай тадбирлар болаларнинг келажакда баркамол шахс бўлиб вояга етишига замин яратади.

Мамлакатимизда матбаа маҳсулотларининг халқаро талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш, болалар адабиётини ривожлантириш, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг сифатини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Юртимиз нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан чоп этилаётган болалар китобларининг сифати юксалиши халқаро доираларда ҳам эътироф этилмоқда.

Китобнинг мўъжизакорлиги шундаки, уни ўқиган, у билан дўст тутинган бола ота-онасини ҳам, Ватанини ҳам севишни, қадрлашни ўрганади.

Зулфия БОҲОУДДИНОВА,
Республика болалар кутубхонаси бўлим бошлиғи.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Эртаки эгаларининг соғлом ва етук инсон бўлиб вояга етишида мактабга таълим муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Денов шахрида фаолият юритаётган нодавлат мактабга таълим муассасасида 80 нафарга яқин кичкинтойлар ўн нафар тажрибали мураббийлар ёрдамида чет тилларини ўрганишмоқда.

Билагонлар маскани



— Муассасамизда етти ёшгача бўлган жажжи ўғил-қизлар тўрт гуруҳда тарбияланмоқда, — дейди «Деновим эркатойлари» маскани раҳбари Насиба Ментғиёзова. — Улар учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратилган. Тарбиячи, ҳамшира, чет тили ўқитувчилари болажонларнинг ёшига қараб машғулотлари турли воситалар ёрдамида олиб борилади. Бундан ташқари, қизиқиши бўлган болалар учун гимнастика ва каратэ тўғрисида мавжуд. Жажжи болажонлар бундай машғулотларда фаол қатнашмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилот раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

партияга аъзолик гувоҳномаси ва ҳисоб-ва-рақасини 100 минг дондан чоп этиш ва тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади:

Танловда иштирок этиш учун 2016 йил 18 апрелгача Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Тел.: (99871) 239-18-49, 239-83-12.
Факс: (99871) 239-13-20.

■ ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Намунали милиция таянч пунктлари республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди

Анъанавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлаш, намунали милиция таянч пунктларини аниқлаш, илғор иш тажриба ва услубларини кенг ёйишдан иборатдир.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Аҳмад Аҳмадбоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик таъминлангани, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит қарор топтигани самарасида аҳоли тинч ва фаровон ҳаёт кечираётганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур кўрик-танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти Юқоричирик тумани «Истиқлол» маҳалласидаги 294-сонли, Андижон вилояти Олтинқул тумани «Далварзин» маҳалласидаги 194-сонли, Бухоро вилояти Ромитан тумани «Ромитан» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 94-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Эчкиқалъа тумани «Қилчиноқ» овулидаги 199-сонли милиция таянч пунктлари ғолибликни қўлга киритди. Ғолибларга «Matiz» автомобиллари топширилди.

Ушбу кўрик-танлов маҳалла ободончилигига эришиш ва осойишталигини таъминлаш ишлари самарадорлигини янада юксалтириш ҳамда маҳаллаларда



намунали милиция таянч пунктлари фаолиятини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Жавлон Раҳимов. — Ҳозир милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари — маҳалла оқсоқоли, маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раиси, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссиялари билан бир бинода фаолият юритишига алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Бу аҳолининг муаммоларидан доим огоҳ бўлиб, зарур пайтда тегишли ёрдам кўрсатишда қўл келади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Элмира Боситхонова, Баҳодир Ходиев иштирок этди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

2016 йил 5 май кuni бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказад

Аукцион савдоларида Тошкент вилояти, Олмалик шаҳридаги саноат ҳудудида жойлашган «Аmmofos Maxam» АЖ балансидаги 2005 й. и/ч, д/р 10/3932AA, бошланғич нархи 18 520 000 сўм бўлган «ГБА-Nexia-CHG»; 2005 й. и/ч, д/р 10/505CAA, бошланғич нархи 18 047 000 сўм бўлган «ГБА-Nexia-CHG»; 2006 й. и/ч, д/р 10/292BAA, бошланғич нархи 10 201 000 сўм бўлган «ГБА СНГ ВА3-21053-120-21»; 2004 й. и/ч, д/р 10/141CAA, бошланғич нархи 10 023 000 сўм бўлган «Matiz DLX» русумли автомобилотранспорт воситалари қўйлади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархини камиди 20 фоиз миқдоридagi закат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекбанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автомобилотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган

тақдирда, улар бўйича тақрорий аукцион савдолари навбатдаги ҳафталарнинг хар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автомобилотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабдорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

■ ТАДБИР

2016 йил 21 апрелдан «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қонун билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Божхона кодекси кучга кириди.

Божхонанинг ҳуқуқий базаси такомиллашмоқда

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси соҳага оид барча меъёрларни тўлиқ қамраб олган бўлиб, у божхона иши сифати ва самарадорлигини оширишга қўмаклашади, божхона фаолиятининг барча босқичларида нормалар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди.

Жиззахда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодекси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар-тренингда янги таҳрирдаги кодекснинг умумий қоидалари, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аҳамияти, божхона назоратини амалга ошириш, тўловларни ўндиришнинг янги тартиблари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят божхона бошқармаси, манфаатдор идора ва ташкилотлар ходимлари ҳамда ҳудудда фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган тадбирда янги кодекс ахборот технологиялари асосида божхона назоратини бошқариш, тартиб-қоидаларни соддалаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан божхона органлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг янги моделини яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

— Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалиётга татбиқ этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун янада қулай шароитлар яратади, — дейди Жиззах вилояти божхона бошқармаси бошлиғи А.Раҳмонов. — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан ўтказиш ҳамда уларни расмийлаштириш муддатини қисқартириш имкониятини беради. Бу янги тартиблар ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш, ички бозорни сифатсиз ва контрабанда маҳсулотларидан ишончли ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎА муҳбири.

ОБ-ҲАВО	2-3.04 — 2016
Юртимиз бўлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+3 / +8	+12 / +17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+5 / +10	+13 / +18
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+5 / +10	+13 / +18
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+3 / +8	+10 / +15
Тошкент шаҳри	
+8 / +10	+13 / +15
Дунё бўлаб (°C)	
Лондон	+14 / +14
Париж	+9 / +14
Москва	+9 / +9
Мадрид	+12 / +13
Пекин	+27 / +23
Канберра	+24 / +25
Рим	+23 / +22
Афина	+22 / +22
Токио	+18 / +16
Стокгольм	+11 / +8
Кейптаун	+21 / +20
Қоҳира	+27 / +29
Гавана	+32 / +33